

«Россия муслмонларининг диний мероси» III халқаро форум ўтказилади



10:18 / 18.10.2021 1119

Жорий йилнинг 25-31 октябр кунлари Татаристондаги Болгар ислом академияси Ислом маданиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида «Россия муслмонларининг диний мероси» 1100 йиллигига бағишланган III халқаро форумини ўтказилади.

Ушбу халқаро форумда илоҳиётшунослар, исломшунослар, диншунослар, тарихчилар, илмий ва таълим ташкилотлари вакиллари, дин ва жамоат арбоблари, ўқитувчилар ҳамда университет талабалари иштирок этади.

Тадбирда ислом тафаккурининг ривожланишидаги анъаналар ва замонавий тенденциялар, Россияда ислом тарихи, ислом маданияти ва санъати, ўлкадаги халқларнинг муслмон меросини ўрганиши, ёшлар ташаббуси ва миллатлараро ҳамда конфессиялараро мустаҳкамлаш амалиёти муҳокама қилинади.

Форум доирасида «Россия муслмонларининг меросини асраш ва ўрганиш масалалари», «Халқаро болгар ўқишлари», «Халқаро илмий-амалий конференцияси»ни ўтказиш режалаштирилган.